Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
20-fevral,
shanba

№ 22
(3683)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2016 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фолклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шунингдек, профессионал ва истеъдодли эстрада ижрочиларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фолклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 феврал

Иқтисодиёт

Модернизация самаралари

“Қўқон механика заводи” акциядорлик жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида корхонада импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Нефт-газ соҳасига бутловчи қисмлар тайёрлаб берадиган корхонага замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Корхона раҳбари Шарифжон Йўлдошевнинг таъкидлашича, ишлаб чиқарилаётган муқобил иситиш қозонлари, юқори босимга чидамли газ сиғими идишлари, газ баллонлари илгари валюта ҳисобига хориждан келтирилар эди. Эндиликда нефт ва газ саноати корхоналари учун ўнлаб турдаги бутловчи қисмлар ҳамда тайёр маҳсулотларни ички бозорга “Қўқон механика заводи” етказиб бермоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Эзгуликка йўғрилган тадбирлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Соғлом она ва бола йили” дастури тасдиқланди

Соғлом она ва бола йили муносабати билан оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эътибор муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва ҳамжиҳат бўлишида давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастурининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 37 та банддан иборат тармоқ дастури қабул қилинди.

Ушбу дастурда олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун зарур шароитлар яратиш, уларни тизимдаги санаторийларда бепул соғломлаштириш, санаторийлар ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ишловчи аёллар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда оромгоҳларда дам олдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, республиканинг олис ва чекка қишлоқ ҳудудларида яшаётган эҳтиёжманд оилаларда яшаётган аёллардан 3 минг нафарини электр маиший техникаси бериш йўли билан рағбатлантириш, 560 нафарининг тарихий шаҳарларга саёҳатларини уюштириш, 400 нафарини санаторийларда бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, соғлом болани дунёга келтиришда, уларга таълим ва тарбия беришда фидойилик кўрсатаётган 200 нафар тиббиёт, 200 нафар таълим ходимлари ҳамда фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 200 нафар ишлайдиган аъзолари ҳам бепул дам олдирилиб, соғломлаштирилади.

(2).

Омилкорлик

Самарқанд вилоятининг унумдор ерлари, бетакрор табиати ҳақида гап кетганда кўпчилик воҳада бир вақтнинг ўзида уч фасл — қиш, баҳор ва ёз манзараларини кўриш мумкин дейди. Худуддаги қулай об-ҳаво шароити, ерларнинг унумдорлиги барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш имконини беради. Айниқса, томорқадан йил — ўн икки ой давомида бирдек самарали фойдаланиш истиқболлари бор. Кўплаб оилалар ўз томорқасидан катта даромад топиб, уни рўзғорни моддий жиҳатдан таъминловчи омил деб билишади.

Томорқа — фаровонлик манбаи

Бугун вилоятда ушбу соҳани янада равнақ топтиришга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берила бошлаганлигини алоҳида эътироф этмоқ керак. Гап шундаки, ҳукуматимиз томонидан Самарқанд вилоятида мазкур тармоқни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш масалаларининг кўриб чиқилганлиги ва истиқболли йўл-йўриқларнинг белгиланганлиги шаҳар ва туманларда томорқадан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириб юборди.

Ҳа, сахий заминимизда унадиган неъматларнинг таърифига тил ожиз. Юртимиз ер билан тиллашиб ризқ-рўз яратаётган, ҳам элнинг, ҳам оиласининг фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган омилкор деҳқону соҳибкор боғбонларга бешикдир. Улар учун барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорлар, деҳқонларни ишончли ҳимоя қила оладиган мукаммал қонунчилик базаси мавжуд. Аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш мақсадида микрокредитлар бериш йўлга қўйилган.

(3).

Ижтимоий шериклик

Бош келишув ижроси муҳокама этилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 – 2016 йиллар учун Бош келишув бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи уч томонлама комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакиллари иштирок этган йиғилишда қатнашчилар томонидан Бош келишувнинг 2015 йил давомида ижросини таъминлаш борасида республикамиз Ҳукумати, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан бир қатор ишлар олиб борилгани эътироф этилди.

Мамлакат иқтисодиётини, жумладан, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор бериб келинаётгани таъкидланди. Хусусан, ўтган йил республика ялпи ички маҳсулоти 8, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,8, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 17,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 млрд. 800 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширув режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши белгиланди.

(2).

Ёш олимлар эътиборда >> 2

Талабларга мувофиқ >> 3

Ўзбекистон — финалда! >> 4

Бош келишув ижроси муҳокама этилди

(1).

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун мобайнида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди. Бу каби имтиёзлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани эркинлаштириш натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик ва хусусий бизнеснинг улуши 56,7 фоизгача ўсди. Ушбу соҳада саноат маҳсулотининг учдан бир қисми ишлаб чиқарилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи етиштирилаётгани, банд аҳолининг 77 фоизидан ортиғи меҳнат қилаётгани диққатга сазовор.

Йиғилишда ўтган йили иқтисодиётни юқори суръат билан барқарор ривожлантиришга эришилгани аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос бўлгани қайд этилди. Жумладан, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялари 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, энг кам иш ҳақи стандартларига амал қилиниши, энг кам меҳнат ҳақи Меҳнат кодексининг 155-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилган бўлиб, камчиликлар аниқланган ҳолатда ижтимоий шериклар билан уни бартараф қилиш чоралари кўриб борилди.

Давлат Меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан 2588 та хўжалик субъектида (бюджет ташкилотлари билан бирга) текширув ўтказилди. Аниқланган меҳнат қонунчилиги бузилишлари бартараф этиб борилмоқда. Касаба уюшма органлари томонидан эса ўтган йил давомида иш берувчиларга, ҳокимият органларига, банкларга, меҳнат инспекцияларига, суд ва прокуратура органларига 227 марта мурожаат қилиниб, мавжуд муаммолар ижобий ҳал этилди.

Ижтимоий шериклар томонидан меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш борасида ҳам ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилиши натижасида республика бўйича 990,4 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 60 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ҳисобот йилида касаба уюшмалари томонидан 6,3 мингдан ортиқ хўжалик субъектида 46,2 мингга яқин янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганилиб, йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ижтимоий шериклик асосида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилди.

Меҳнат муҳофазасини ташкил этишда ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ўтган йил февралда уч томонлама ҳамкорлар – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан "Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури" тасдиқланиб, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат Идоралараро ишчи гуруҳи шакллантирилди. Ўтган даврда ҳаракат дастури ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий шериклар томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этилди. Хусусан, Давлат дастури доирасида 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бирига манзилли ёрдам берилди. 43 минг 567 нафар кексага озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш каби кўринишларда ижтимоий кўмак кўрсатилди. Ҳудудлардаги "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, маданий тадбирлар ташкил этилди, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Шунингдек, Ҳукумат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказиб келинмоқда. Уларда миллионлаб аҳоли иштироки таъминланиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида ҳам изчил фаолият олиб борилгани таъкидланди. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 107,1 минг нафар аҳоли вакиллари соғломлаштирилиб, уларнинг 45,6 минг нафари имтиёзли, 2,1 минг нафари эса бепул равишда ўз саломатлигини тиклади. Ўтган йил мобайнида эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар аъзолари, байналмилалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари, жами 756 нафар фуқаро касаба уюшма санаторийларида бепул соғломлаштирилди.

Ёз мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилиб, 1 минг 168 та оромгоҳда 300 минг 372 нафар бола, шу жумладан, 56,5 минг нафари имтиёзли, 5,5 минг нафари бепул дам олдирилди. Мавсум давомида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларнинг бепул ва имтиёзли дам олдирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда «Она ва бола» йўлланмалари орқали 3 минг нафардан зиёд она-бола имтиёзли соғломлаштирилди.

Бош келишувнинг асосий ижро механизмларидан бири ҳисобланадиган ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди. Жумладан, меҳнатнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолари, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазасини муҳокама қилиш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтган йилнинг 23 декабрида 40 дан зиёд вазирлик ва идоралар, касаба уюшма фаоллари ҳамда иш берувчилар вакиллари иштирокида "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда корхона, ташкилот ва муассасалардаги ходимлардан келиб тушган мурожаатларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси, бандлик ҳамда ижтимоий муҳофаза соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди ва соҳада учраётган муаммоларнинг аксарияти жойида иш берувчи, маҳаллий ҳокимликлар ёрдамида бартараф этилишига муваффақ бўлинди.

Муҳокамада кўтарилган масалаларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жорий йил 14 январда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланиб, бажарилиши таъминлаб келинмоқда.

Йиғилишда Бош келишувнинг ўтган йилги ижроси юзасидан томонларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда жорий йилги вазифаларга кенг тўхталиб ўтилди. Чунончи, 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган энг муҳим йўналиш ва вазифалар ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда Бош келишувнинг жорий йилги ижросида бир қатор йўналишлар бўйича фаолиятни кучайтиришга келишиб олинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Эзгуликка йўғрилган тадбирлар

(1).

Тиббий кўмакка муҳтож 280 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ва 14 ёшгача бўлган болаларга ёрдамчи реабилитация воситалари, 140 нафар кўзи ожиз талаба-ўқувчиларга махсус аппаратлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 300 нафар эҳтиёжманд, иқтидорли талаба қизларга касаба уюшма стипендияси берилади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали тармоқ корхоналаридаги ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 минг нафар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қисман қоплаш, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 20 минг нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатиш, 2 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фоизсиз ссуда ажратиш, 50 минг нафар эҳтиёжманд оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Шунингдек, дастурда "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида республиканинг барча ҳудудларидан 14 та болалар махсус ёрдамчи мактаб-интернатларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, 12 минг нафар 1-синфга борадиган ўқувчига эсдалик совғалар (санитар-гигиеник ашёлар мажмуаси) бериш, хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимлари оилаларига ва фарзандларига манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, 7 000 нафар "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ҳамда эҳтиёжманд оила фарзандлари учун музейлар, ботаника, ҳайвонот ва бошқа маданият боғларига, 560 нафар "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ва таълимда юқори натижаларни қўлга киритган ўқувчилар учун "Биз мустақил юрт фарзандларимиз" шиори остида республиканинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатларни бепул ташкил этиш тадбирлари ҳам акс этган.

Шу билан бир қаторда касаба уюшмалари тизимидаги "Турон", "Умид гулшани", Сурхондарё вилоятидаги "Термиз марвариди" санаторийларида, Андижон вилоятидаги "Боғишамол", Сурхондарё вилоятидаги "Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод", "Амударё соҳили" ва Хоразм вилоятидаги "Автомобилчи" оромгоҳларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси

Жамоа шартномаси — амалда

Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Самарқанд филиалида 2014 – 2016 йилларга мўлжаллаб имзоланган жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ижро таъминланди

Корхонада 387 нафар ходим меҳнат қилади. Уларни рағбатлантириш ва ижтимоий тўловлар жамоа шартномаси орқали кафолатлаб қўйилган. Тунда ишловчилар алоҳида имтиёзларга эга. Зарарли иш шароитида фаолият юритаётганлар учун қўшимча тўловлар бор. Маъмурият томонидан 120 нафар ходим махсус кийим-бош, пойабзал билан таъминлаб келинмоқда. Юбилей саналарини ўтказиш анъана тусини олган бўлиб, узлуксиз иш стажига эга ходимларга қатор имтиёзлар белгилаб қўйилган. Муҳими, барча сарф-харажатлар, жумладан, ходимлар фарзандларини соғломлаштириш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш иш берувчи томонидан молиялаштирилмоқда.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий, туризм йўналишида амалга оширилаётган ишлар йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Жамоа шартномаси ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Шу куни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ҳам жамоа шартномаси ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгашида ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ишонч масъулияти

ЎзКУФК Ўқув марказида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига оид дастур асосида олган билимимни нафақат ўз фаолиятимда қўллашга, балки қуйи бўғин фаолларига етказишга ҳаракат қилаяпман.

Жумладан, йил бошидан буён тизимдаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ташкилотчилари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари иштирок этган тадбирларда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Муҳими, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда фаолият ҳар жиҳатдан ижобий томонга ўзгариб бораётгани кузатилмоқда. Ходимлар гимнастикаси ташкил қилиниб, жадвал асосида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тумандаги маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар ва ижрочилар иштирокида уюштирилган "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танлови янгидан янги истеъдод эгаларини кашф этди. Шунингдек, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда "Ўз касбининг моҳир эгалари" танлови ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан тармоқда узоқ йиллар меҳнат қилиб, айни пайтда қарилик гаштини сураётган фахрийлардан 30 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 10 нафар нуроний саломатлигини тиклашда касаба уюшма маблағи ҳисобидан берилган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланди. Тармоқ туман кенгаши ташаббуси билан республика ҳудудидаги санаторийларга юздан зиёд имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Алишер РАЖАБОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши ҳисобчиси

Давра суҳбати

Ёш олимлар эътиборда

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар масъул ходимлари, ёш олимлар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида давра суҳбати уюштирилди.

«Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг иштироки» мавзуида ўтган тадбирда юксак эътибор натижасида ёш тадқиқотчилар ҳам қатор ютуқларни қўлга киритаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар эътироф этилди.

— «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш олим» номинациясида 2013 йилда Физика-техника институти катта илмий ходими Ойбек Абдулхаев, 2015 йилда Энергетика ва автоматика институти кичик илмий ходими Бахтиёр Ғозиев ғолиб бўлди. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 5 млн. сўмлик гранти уларнинг ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва инновацион ғояларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди, — деди ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Шу билан бирга, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, иқтидорли ёш олимлар доимий рағбатлантириб борилаётир.

— Қишлоқ хўжалиги экинларининг турли ташқи омиллар, касалликларга чидамлилиги кучайтирилса, янада мўл ҳосил олишга эришилади. Ғўза гуллашига халақит берувчи генларни ўчириш орқали унинг гуллашини тезлаштириш мумкин. Илмий ишимда айнан мана шуни тадқиқ этаяпман, — деди Геномика ва биоинформатика маркази катта илмий ходими Мирзакамол Аюбов. — Ўтган йили «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш олим» номинациясида республикада иккинчи ўринни қўлга киритдим. «Ёш мутахассислар» III республика Форумида иштирок этиб, касаба уюшмалари тавсияси билан «Камолот» уйига лойиқ кўрилдим. Биз каби ёш олимларни қўллаб-қувватлаб келаётган касаба уюшмаларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Тадбирда, шунингдек, касаба уюшмалари томонидан ёшларнинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Манфаатлар ҳимоячиси

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Андижон вилоят кенгаши томонидан 2013 – 2015 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси якунларига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича Иш берувчи номидан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси А.Жаббаров ҳамда вилоят кенгаши касаба уюшма қўмитаси раиси М.Бадаловаларнинг ҳисоботлари тингланди.

Қайд этилганидек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан иш берувчининг ижтимоий шериклигида амалга оширилди. Жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши бўйича ҳар бир ходимга бериб борилган маблағ, мукофот ва рағбатлантиришлар, шунингдек, ходимларга иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси томонидан кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий кўмаклар амалдаги жамоа шартномасига мос келиши эътироф этилди.

Сўзга чиққанлар ходимларни ҳар томонлама ҳимоялашга жиддий эътибор берилаётгани, бу эса иш унумдорлигини таъминлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда, шунингдек, келгусидаги вазифалар юзасидан фикрлар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулнора АБДУЛЛАЕВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси

Томорқа — фаровонлик манбаи

(1).

Томорқамда экин экаман, боғ қиламан, чорва боқаман деган киши борки, у агрофирмалар орқали кўчат, уруғлик, ўғит, ёқилғи, чорва моллари, парранда, ҳатто, емхашагу иш қуроллари билан ҳам таъминланяпти. Натижада, деҳқону тадбиркор бойиб, эл дастурхони тўкинлашаётир.

Иштихон туманида ҳам агрофирмалар, асосий ишидан ортиб, томорқа хўжалиги билан шуғулланаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Тумандаги 34 мингдан ортиқ хонадоннинг деярли барчасида томорқа ишлари феврал ойининг бошиданоқ жонланиб кетган. Салкам беш минг гектар томорқа ерларида полиз экинлари етиштирилади. Мевалар, узумнинг майизбоп навлари парвариш қилинади. Дарахтларга шакл бериш, экин экиладиган ерларни ҳайдовга тайёрлаш билан бирга "стаканча" услубида бодринг, помидор, булғор қалампири ва бошқа кўчатларни етиштириш қиш чиқмасдан қилинадиган юмушлар сирасига киради. Иссиқхоналардан қўшимча даромад қиладиган аҳоли эса йил — ўн икки ой ҳосил йиғиштиради.

Тумандаги Баҳрин қишлоғининг "Кўтарма" маҳалласи аҳолиси ҳам ерга дам бермайдиганлар хилидан экан. Шундан бўлса керак, маҳалла фаровон, уйлар ҳашамдор, одамларнинг уст-боши пўрим. Деярли ҳар бир уйда икки-уч сотихдан иссиқхона бор. Биров лимон, биров исмалоқ, редиска, бошқа кўкатлар, помидор, бодринг, пиёз етиштиряпти. Буларни бозорга олиб чиқадиган, четга экспорт қиладиган агрофирма ҳам ҳозир.

— Саккиз нафар фарзандим бор, — дейди нафақага чиқиб, лимончилик билан шуғулланаётган отахон Толлибой Мардонов. — Қурилишда ишладим, маҳалла раиси бўлдим. Ёш ҳам бир жойга борди. Лекин бекорчиликдан ор қиламан. Чунки одам меҳнат билан тирик. Ишламайдиган, атрофдагиларга фойдаси тегмайдиган одамнинг одамлиги қолмайди. Меҳнат билан болаларни уйли-жойли қилдим. Ҳаммасининг қўлида ҳунари, касби бор. Эски замонда бунга имкон қайда эди. Эсимда, ҳовлидаги учта олма дарахтидан иккитасини болаларимни чирқиратиб кесиб ташлаганман. Анорларни қўпорганман. Мажбур бўлганман-да (ота собиқ тузум давридаги томорқадан даромад қилувчи, мевали дарахтлари, чорва моллари борларга катта-катта солиқлар солинганини назарда тутди). Ҳозир 20 сотих томорқамда икки сотих иссиқхонам бор. Икки минг ўнинчи йили қўшним бир неча туп лимон кўчати совға қилганди. Кейинги йили ўғлим "агрофирма ҳам кўчат берар экан" деган гапни топиб келди. Бордик, олдик, 40 туп лимон экдик. Ўтган йили томорқадан 10 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдим. Юз тупдан ортиқ мевали дарахтим бор. Асосан анор. Иссиқхона билан ўзим шуғулланаман. Дарахт эгасини танийди. Бир кишига ўрганади. Икки сотих, 40 туп лимон, озроқ кўкат, пиёз экканман. Менга оғирлик қилмайди. Ўтган йили 700 кило ҳосил олгандим. Бу йил қиш иссиқ келди. Дарахтларга ҳам жон кирди. Ҳали ҳаммасини чўтга солмадимку, бир ярим тоннадан кўпроқ ҳосил бўлиб қолар. Ҳовлининг қолган қисмида кичик ўғлим ишлайди. Шукурки, даромадимиз ёмон эмас. Томорқадан бой бўлдим. Ҳар йили кампир иккаламиз сиҳатгоҳга борамиз. Уйлар қурдик, ҳеч кимдан камимиз йўқ. Бу йил кичик ўғлим ҳам "Дамас" олмоқчи. "Юкларни бозорга олиб боришга қулай", дейди.

Толлибой ота набираларини ҳам ҳозирдан меҳнатга ўргатади. Уйдаги иккита сигир, иккита бузоққа қараш, қўйларга ўт, товуқларга дон бериш шуларнинг зиммасида.

— Инглиз тили тўгарагига боради. Спортзал қурилган, шунга қатнайди, — дейди набиралари тўғрисида ота. — Бекорчидан ҳамма безор. Болаларни бекор қўйиб бўлмайди. Ҳамма бало шундан бошланади.

Девдек-девдек ўғиллари бор, бироқ ери чўлдек тақир бўлиб ётган хонадонларни кўрса, отанинг ғаши келади. Тўғри, уларнинг бошқа даромади ҳам кўп. Бироқ ер увол эмасми? Нени увол қилсанг, ўшанга зор бўласан, дейди халқимиз. Бир қарич ерга зор бўлишдан асрасин...

Бозорлардаги мўл-кўллик, дастурхонимизнинг тўкинлиги Толлибой ота сингари тиниб-тинчимас одамларнинг меҳнати эвазига таъминланаётир. Ҳукуматимиз томонидан эса улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Томорқа, деҳқон хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Режали дастурлар ишлаб чиқилган. Имкониятлар натижасида бугун қишлоқ одамларининг нигоҳида хотиржамлик, эртанги кунга ишонч балқиб турибди. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

1. Деҳқонобод тумани, Янгиқишлоқ қишлоғидаги №40-сонли мактаб учун 9х18 м. ўлчамли спортзал қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 588.702.433 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 490.585.361 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

2. Косон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 25х11 м. ўлчамли сузиш ҳавзаси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.863.526.801 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.386.272.334 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

3. Касби туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.865.284.921 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.554.404.101 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича

- бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари кичик бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади;

- бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсатгичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик - муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй. **Тел.:/Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Боёвут тумани ёнгин хавфсизлиги маъмурий биноси реконструкцияси ва ёнгинга қарши 4 та автомашинага Депо қурилиши	3 009 851 968 сўм	2 508 209 973 сўм	208 кун
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан				
2.	Лот 19-1. Мирзаобод туманидаги 30 ўринли мактаб учун қўшимча 9х18 ўлчамли спортзал қурилиши	513 811 835 сўм	428 176 529 сўм	180 кун
3.	Лот 19-2.Сайҳунобод туманидаги 30 ўринли мактаб учун қўшимча 9х18 ўлчамли спортзал қурилиши	513 811 835 сўм	428 176 529 сўм	180 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30- уй.

Телефон: (0-367) 227-63-86. Факс: (0-367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Бошланғич қиймати 500,0 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел. (факс): (0-3672) 27-64-42.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 112740 сўмдан — 158 300 сўмгача.

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати-оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

Қонун доирасида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаат шакллари, давлат идоралари, ННТлар, мансабдор шахсларнинг фуқаро ва ташкилотлар мурожаатларига жавоб бериш тартиби, қонунга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик турларини белгилаб берди.

Талабларга мувофиқ

Ҳар қандай мурожаат бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ва ариза, таклиф, шикоят тарзида бўлиши мумкин. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахснинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди. Мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт. Аммо аноним, жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган вакиллари орқали берилган ҳамда қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар бундан мустасно.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юқоридаги қонун доирасида ўз вақтида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, ўтган 2015 йил давомида шаҳар давлат солиқ органларига 3784 та мурожаат келиб тушган бўлиб, барчаси тегишли равишда ўрганилди. Мурожаатларнинг аксариятида солиқ қонунчилиги бўйича тушунтириш бериш, солиқ ва тўловлардан озод қилиш ва имтиёзлардан фойдаланиш, корхоналардаги қонунбузилиши ҳолатлари масалалари кўтарилган. Ушбу мурожаатларнинг 80 таси тааллуқли ваколатли органларга юборилган.

Юнусжон НАСИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Реклама ва эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига фермер хўжаликларини ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан туман захира ерлари ҳисобига олинган қуйидаги "Узумзор" ва "Боғзор"лар қўйилмоқда:

1.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган 124, 125, 126, 129, 131 ва 136-контурларида жойлашган (5-лойиҳа) асосида қисман 9,06 гектар, шундан 0,1 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 8,4 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси — 20 349 218 сўм.

2.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган 124, 125, 126, 129, 131 ва 136-контурларида жойлашган (3-лойиҳа) асосида қисман 10,24 гектар, шундан 1,8 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 5,2 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси — 13 039 082 сўм.

3.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Гулистон" ҚФЙ, "ўйишткўприк" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "ORINJON MO'MINJON" фермер хўжалигидан захирага олинган 490, 491, 496, ва 488к-контурларида жойлашган (5-лойиҳа) асосида жами 9,37 гектар, шундан 8,34 гектар ер майдонидаги "Боғзор" бошланғич баҳоси — 7 103 000 сўм.

4.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Чувалачи" ҚФЙ, "Навоий миришкор" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "MURODJON AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган (1-лойиҳа) асосида қисман 95-контурда жойлашган 7,96 гектар, шундан 7,5 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси — 2 849 000 сўм.

5.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўктерак" ҚФЙ, "Кўктерак ҳосилот файз" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "BEGZOD" фермер хўжалигидан захирага олинган (2-лойиҳа) асосида қисман 39, 40 ва 43-контурларида жойлашган 5,3 гектар, шундан 3,2 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси — 6 056 335 сўм.

6.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Эркин" ҚФЙ, "Эркин" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ERKIN TULAGANOV NURMAT" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 6,32 гектар, шундан 5,7 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси — 7 596 000 сўм.

7.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган 124, 125, 126, 129, 131 ва 136-контурларида жойлашган жами 24,94 гектар, шундан 1,88 гектар ер майдонидаги "Боғзор" ва 18,33 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор"нинг 4-лойиҳа асосида қисман 5,64 гектар, шундан 4,7 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси — 12 649 514 сўм.

8.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "SULTON BARAKA AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 275к, 282 ва 283-контурларида жойлашган 8-лойиҳа асосида жами 10,39 гектар, шундан 9,14 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 9 603 089 сўм.

9.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "SAKKIZ OG'A INI AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 304 ва 307-контурларида жойлашган 7-лойиҳа асосида жами 8,28 гектар, шундан 2,80 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси — 5 797 694 сўм.

10.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ZOXIT BOTIR AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 37-контурда жойлашган 1-лойиҳа асосида жами 11,33 гектар, шундан 10,84 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 14 230 703 сўм.

11.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "RED DILISHES" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 142, 143, 145 ва 146-контурларида жойлашган 6-лойиҳа асосида жами 12,34 гектар, шундан 4,0 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 7,1 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси — 38 404 566 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2016 йил 22 март куни соат 15:00 да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Мазкур "Боғзор" ва "Узумзор"лар сотилмай қолган ва тақдирда такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 29 март, 5-, 12-, 19 апрел кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар, Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган RR - №0008.

Хизматлар лицензияланган.

«Ishonch» газетасининг 2016 йил 11 февралдаги 18(3679)-сонидаги «Universal Realtor» МЧЖ томонидан берилган эълоннинг аукцион савдоси саналари қисмини қуйидаги таҳрирда ўқишингизни сўраймиз: Аукцион савдоси 2016 йил 22 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Истиқбол кўчаси 15-уйда ўтказилади. Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилиш 2016 йил 18 март куни соат 11:00да тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган мулклар такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 29 март, 5-, 12 апрел кунлари соат 11:00да юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 28 март, 4-, 11 апрел кунлари соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосига мева-сабзавотчилик ва узумчилик сохасида муайян иш стажига эга бўлган даъвогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади.

Хизматлар лицензияланган.

Молия муассасаларида

Эзгу мақсадлар ёрқин марралар сари чорламоқда

РЕКЛАМА ЎРНИДА

XALQ BANKI

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий объектларни бунёд этиш, янги иш ўринлари яратиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижросини молия муассасалари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу ўринда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёш ишбилармон ва тадбиркорлар сафини тобора кенгайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаш даркор.

Акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам эзгу мақсадлар йўлида дадил одимлаётган молия муассасаларидан биридир.

Табиийки, ўз-ўзидан савол туғилади: касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ўғил-қизларимизнинг иш юритишга лаёқати қандай? Улар тадбиркорлик йўл-йўриқларини, касб-кор илмини қай даражада ўзлаштиришаётир?

Шу каби муҳим вазифаларни ҳисобга олиб, банкнинг ҳудудий филиаллари ходимлари томонидан коллеж битирувчилари билан учрашувлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бизнес режа тузиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилиб келинмоқда.

ЎзА суратлари

Халқ банки томонидан ўтган йил давомида 12 109 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 1 трлн. 7 млрд. сўм кредитлар ажратилгани ҳам амалга оширилаётган ишларнинг салоҳияти юқорилигидан далолат беради. Ушбу кредитлар мақсадли ва самарали йўналтирилгани боис 30 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 189,5 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, белгиланган кўрсаткич 100,4 фоизга бажарилди.

Асбоб-ускуналар учун 24,7 млрд. сўм, хомашё ва материаллар харид қилишга 160,2 млрд. сўм, иссиқхоналар ташкил қилишга 3 млрд. сўм, томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга 820 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Халқ банки жамоаси ишбилармон аёллар эҳтиёжига алоҳида эътибор билан ёндашаётир. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 160 нафар аёл тадбиркорларга 125,6 млрд. сўм ажратилди. Жорий йил якунига қадар ушбу йўналишдаги кредитлар салмоғини янада ошириш кўзда тутилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам кенг кўламли бўлиб, хусусан, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 2014 йилда 35,7 млрд. сўм кредит ажратилгани ҳолда, 2015 йил якунларига кўра 2 642 та лойиҳага 49,9 млрд. сўмлик кредит берилди.

— Истиқлол, аввало, бизга эркин фаолият юритиш, ўз лойиҳаларимизни мустақил амалга ошириш имкониятини берди, — дейди самарқандлик тадбиркор П.Яҳёева. — Биргина қандолатчиликни олайлик. Авваллари биз хориждан келтирилган ширинликлар билан кифояланар эдик. Бугун эса ўзимиз турли хилдаги ширинликларни ишлаб чиқаряпмиз. Бунда бизга Халқ банки жамоаси яқиндан ёрдам берди. Банк томонидан ажратилган 50 миллион сўм маблағ эвазига, замонавий талабларга тўла жавоб берувчи сифатли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик корхона очдик. Маҳсулотларимиз аҳолига манзур бўлаётгани боис келгусида банк кўмагида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни ва ишчилар сонини оширишни режалаштирганмиз.

— Мен ёшлигимдан либослар дизайнига қизиқаман. Келажакда тикувчилик цехини очиб, миллий матоларимиз асосида замонавий либослар тикишни мақсад қилганман, — дейди фарғоналик тадбиркор Иродахон Маткаримова.— Халқ банкидан тикувчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 25 млн. сўм миқдорида ажратилган кредит маблағи ҳисобидан фаолиятим учун зарур бўлган 4 дона тикув дастгоҳларини сотиб олдим. Ҳозирги кунда жамоамиз билан миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва турли хилдаги либосларни тикишни йўлга қўйганмиз. Цехимизда 2 нафар ишчи ўрни яратилган. Келгусида яна Халқ банки кўмагидан фойдаланиб, аҳолига бир-биридан бежирим либосларни тақдим этиш ниятидамиз.

Бу каби эзгу ишлар юртимизнинг барча вилоятларида жадал суръатларда йўлга қўйилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айниқса, бизнесда хотин-қизларнинг роли тобора ошиб бораётгани таҳсинга сазовор. Навоийлик Нигора Қаҳрамонова яқиндагина ўз орзусини амалга оширди. У тикувчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 32 миллион сўм кредит эвазига кичик ишлаб чиқариш корхонасини очишга муваффақ бўлди.

— Ўзбек қизлари ҳар бир соҳада фаол ва ташаббускор, — дейди Нигора. — Шахсан мен ўз бизнес режамни амалга ошириш билан бирга 2 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладим. Ўзим севган касбга меҳрим туфайли кун сайин янги-янги режаларни амалга ошириш истаги туғилмоқда ва ўйлайманки, бунда менга Халқ банки кўмаги асқотади.

Мухтасар қилиб айтганда, банкнинг тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига таклиф этаётган банк хизматлари мижоз ва банк ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлашда беқиёс ўрин тутмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Банк ахборот хизмати
Хизматлар лицензияланган.

Мини-футбол

Хосе Мария Мендез бошчилигидаги мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси "Осиё чемпионати — 2016" ярим финал баҳсида Таиландни мағлуб этиб, финалга йўл олди.

Ўзбекистон — финалда!

Ўйиннинг асосий дақиқаларида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Голларга вакилларимиздан Дилшод Раҳматов, рақибларимиздан Жетсада Чудеч муаллифлик қилди. Қўшимча бўлимларда эса ҳисоб 2:2 кўринишини олди. Гол муаллифлари — Артур Юнусов ҳамда Апиват Чаемчареон.

Ўйиндан кейин белгиланган пеналтилар серияси сида 3:1 ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси ғалаба қозонди.

Энди футболчиларимиз ярим финал баҳсида Вьетнам терма жамоаси устидан ғалаба қозонган Эрон терма жамоаси билан финал учрашувида майдонга тушади.

Ўз мухбиримиз

Соғлом оила — соғлом жамият

Ота-она — фарзандга ибрат

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган мусобақалар айни вақтда спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳам хизмат қилмоқда.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ меҳнат жамоаларида ўтказилаётган "Соғлом оила" шиори остидаги спорт мусобақалари ана шу эзгу мақсадларни ўзида мужассам этганлиги билан барчага манзур бўлаётир.

Ана шундай мусобақалардан бири пойтахтимиздаги 101-умумтаълим мактабида ташкил этилди. Спартакиада Таълим, фан ва маданият ходимлари, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Чилонзор туман кенгашлари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация, Энергетика, Металлургия ва машинасозлик саноати, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жамоалар югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, арқон тортиш, чаққонлик ва мерганлик, тезлик, эпчиллик эстафеталари, «Моҳир хўжумчи», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз» деб аталган шартлар асосида ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

— Оилавий жамоалар нафақат маҳоратини, шунингдек, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳиллик фазилатларини ҳам намойиш этишмоқда. Ота-онасининг ғалабага иштиёқини кўрган фарзандларда мақсад сари интилиш, ирода, матонат каби сифатлар шаклланиб бормоқда, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари Чилонзор туман кенгаши раиси Ўлмас Қаҳҳорова.

Натижаларга кўра, 201-умумтаълим мактаби вакиллари — Фозиловлар оиласи ўғил болали оилалар ўртасида, Мингбўтаевлар оиласи эса қиз фарзандли оилалар орасида шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, Тоиповлар ва Нурмуҳаммадовлар «Фаол иштирок этган оила», Абдуллаевлар ҳамда Бронскийлар «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Мансуровлар эса «Энг чаққон оила» дея эътироф этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Мусобақанинг Зангиота туман босқичи кўтаринки руҳда ўтди. Унда корхона, ташкилот, муассасалардаги меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари спортнинг оммавий 8 та тури бўйича беллашди.

— Ушбу тадбир барча туманларда уюшқоқлик билан ташкил этилди, — дейди Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳноза Одилхонова. — Оилаларнинг спортга қизиқиши ўзгача. Буни уларнинг мусобақалардаги фаоллиги ҳам кўрсатиб турибди.

— Оила аъзоларимнинг спортга меҳри бўлакча. Чунки спорт инсонни жисмонан соғлом қилиш баробарида, маънан баркамоллик сари ҳам етаклайди. Ўзим ўқитувчиман. Тумандаги 56-умумтаълим мактабида тарих фанидан дарс бераман, — дейди Гулнора Низахунова.

— Ҳозирда 5-синфда ўқийман, — дейди оиланинг кичик аъзоси Абдураҳим Носиров. — Мусобақа ҳақида эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Чунки маҳорат кўплашгандагина ортиши ҳақида устозларим кўп гапиришган.

Мусобақа натижаларига кўра, Муборовлар оиласи биринчи бўлди. Усмоновлар оиласи иккинчи, Қувватовлар оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз

***

Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида Таълим, фан ва маданият, Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари, туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида мусобақа ўтказилди.

Унда тармоқлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилардан иборат 24 оилавий жамоа ўзаро беллашди.

Ҳаяжонли дақиқаларга бой мусобақанинг ота-она ва ўғил болалар ўртасидаги беллашувда 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азамат Жуманазаровлар оилавий жамоаси, қиз болали оилалар ўртасида Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ваҳоб Жўрақулов оилавий жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

Н. МАҲАММАТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фориш туман кенгаши раиси

***

Шаҳрисабзда мусобақаларнинг туман босқичида бошланғич ташкилотлар ва тармоқларда сараланган спортсевар оилалар эпчиллик ва чаққонликларини синовдан ўтказишди.

Ота, она ва 12 ёшгача бўлган фарзанд (ўғил ва қиз) иштирокида кечган беллашувлар якунида Рўзиев ва Хушназаровлар оиласи мусобақанинг вилоят босқичига йўл олди.

— Мен Шаҳрисабз туманидаги 100-умумтаълим мактабида тарих фанидан, турмуш ўртоғим Нодирахон эса инглиз тилидан дарс берамиз, — деди мусобақа ғолиби Яшнар Рўзиев. — Қизим Дилнурахон 3-синфда ўқийди. Мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси баҳсларга тайёргарлик кўришимиз учун барча шароитларни яратиб беришди.

— Турмуш ўртоғим Шаҳрисабз туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида ишлайди. Тармоқ ходимлари ўртасида энг кўп очко жамғардик. Умуман олганда, мусобақа шартлари оилаларбоп. Шунинг учун жуда яйрадик, — дея ўз фикрларини билдирди Баҳриддин Бердиев.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

***

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотларда мусобақанинг шаҳар босқичи ўтказилиб, унда 24 та жамоа иштирок этди.

— Бу оилавий жамоалар ўз корхонасида биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичига йўл олган, — дейди тармоқ шаҳар кенгаши раиси Расулжон Раҳимов. — Мусобақалар тармоғимиздаги 83 та бошланғич ташкилотда ўтказилди. Шаҳар босқичида ҳам оилавий жамоалар ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди.

Муросасиз курашларга бой бўлган мусобақада Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Фарғона вилоят филиали меҳнат жамоаси вакили (қиз фарзанди билан) Асқаровлар оиласи ғолибликка лойиқ топилди. Ўғил фарзанди билан қатнашган оилалар ўртасида вилоят божхона қўмитаси вакили Арзиевлар оиласи ғолиб чиқди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullaev
Navbatchi: D.Oripov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:05**
Topshirildi — **21:50**
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21870 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133